



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 28 июль, № 157 (7659)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСКАРТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июль куни «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда «яширин иқтисодиёт» даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча қўлайликлар яратиш орқали «яширин иқтисодиёт» улушини камайитиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин руҳсат бериш ва лицензиялаш қўдалари қисқартирилди. Буларнинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушган.

Йиғилишда бу борадаги ишлар етарли эмаслиги қайд этилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топириги берилди.

Давлат раҳбари «яширин иқтисодиёт»га қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳамжиҳатлигида ишлари муҳимлигини таъкидлади.

Солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, «яширин иқтисодиёт»га йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. «Инсофли солиқ тўловчи» тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Молия вазирлиги бу борада шаффофликни таъминлаш, жамоат назорати ва рақобатни кучайтириш мақсадига Давлат харидлари ахборот порталини ишга тушириш топирилди.

Эндилда ҳам бир инвестиция лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди. 2021 йилдан

бошлаб ушбу тизим марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган барча лойиҳаларга татбиқ этилади.

Давлат органларида ҳам «яширин иқтисодиёт» ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими жорий этилмоқда. Хусусан, Қурилиш, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлариди, «Ўзбекнефтегаз» ва «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятларида бу борада ишлар бошланган. Йил якунигача яна 14 та ташкилотда ва давлат улушига эга 10 та банкда ушбу тизим жорий этиш вазифаси қўйилди.

Соҳалар ва йўналишлар кесимида коррупцияга қарши курашиш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқиш ҳамда ижросини муҳокама қилиб бориш юзасидан топириқлар берилди.

Шунингдек, давлат органлари, корхоналар ва ҳудудларда коррупция ва «яширин иқтисодиёт» рейтинг методикаси ишлаб чиқиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу рейтинг шаклида ижросини муҳокама қилиб борилади, шу асосда барча раҳбарларнинг шахсий масъулияти баҳоланади.

Йиғилишда божхона ва солиқ тизимида доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Инсон омилига чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат божхона кўмитаси ва Давлат солиқ кўмитасига импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ағна ва базани ишга тушириш юзасидан топириқлар берилди. Шунингдек, 2021 йил 1 январдан «Божхона аудити» ахборот тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш учун одамларнинг легал ишлашга қўмаклашиш, уларни манфаатдор қилиш кераклигини таъкидлади.

Масалан, ўзини ўзи банд қилиш тизими соддалаштирилгани натижасида июль ойининг ўзига 184 минг фуқаро расмий секторда иш юрита бошлади.

Лекин қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида норасмий бандлик даражаси ҳамон юқори. Умуман, иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг атиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди.

Йиғилишда бундай соҳалар бўйича манзилли ишлаш, норасмий фаолият юритаётган субъектларни рағбатлантирувчи механизмлар орқали «яширин иқтисодиёт»дан олиб чиқиш кераклиги айтилди. Савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида пластик карталар ва бошқа турдаги контактсиз тўловларни айланма даромад солиғини ҳисоблаш базасига киритмаслик таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятига руҳсат бериш ва лицензиялашдаги ортиқча тартиб-таомилларни янада қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, 100 та лицензия ва 34 та руҳсатномани қисқартириб, хабардор қилиш тартибига ўтказиш, яна кўпларини соддалаштириш, 14 та ҳужжатни бериш муддатларини 2 бараваргача қисқартириш мумкин. Ушбу чоралар натижасида тадбиркорлар йилга 125 миллиард сўм иқтисод қилиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, 43 та идоранинг 270 та назорат функциясини танқидий ўрганиб, «яширин иқтисодиёт» ва коррупцияга сабаб бўлаётган ваколатларини қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўз навбатида, коррупцион ва яширин фаолиятта муккасидан кетган ноинсоф тадбиркорларга нисбатан жавабгарликни кучайтириш зарурлиги айтилди.

«Яширин иқтисодиёт»ни тармоқлар ва соҳалар бўйича таҳлил қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, бир вилоят мисолида «яширин иқтисодиёт»нинг статистик ҳисоботи жорий этилиши белгиланди.

Коррупция ва «яширин иқтисодиёт»га қарши курашишда асосий куч бизнес ва жамоатчиликдир. Шу боис жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

— «Яширин иқтисодиёт»га қарши курашиш тадбиркорларнинг жазолаш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш дегани эмас. Бу, айниқса, пандемия даврида катта аҳамиятга эга. Жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали майда коррупцияга ҳам қатъий чоралар кўриш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдига йил якунида аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ТИББИЙ ЁРДАМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ МИҚЁСНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни Тошкент шаҳрида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш қарорини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳисоботини тинглади.

Давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда. Жумладан, 15 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини эпидемиологик вазиятни яшилдиришдаги ишлар жиддий танқид қилиниб, касалларни ўз вақтида ва тўри даволаш учун шароит яратиш бўйича топириқлар берилган эди.

Хусусан, пойтахтимизда қисқа вақтда кенг қўламли ташкилий ишлар амалга оширилди. Юнусобод туманидаги «Ўзэкспомарказ» павильониди, Гимнастика саройида, «Ёшлик» спорт мажмуаси ва бошқа биноларда коронавирусга гумон қилинганларга ташхис қўйиш, заруратга кўра даволаш учун шароит яратилмоқда. Улар пандемия талаблари асосида жиҳозланиб, зарур тиббий ускуналар билан таъминланмоқда.

Касалликка чалинганлар ва айни кунларда пневмониядан азият чекаётганларга амалий ёрдам тариқасида 10 та махсус поликлиника ташкил этилди. Уларнинг фаолияти туну кун йўлга қўйилган бўлиб, фуқаролар бу ерга мурожаат қилиш орқали малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Презентация шаклидаги муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, марказий муассасалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашга жалб этилган бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитида соғлиқни сақлаш миллий тизимини қўллаб-қувватлаш, жумладан, пойтахтдаги спорт мажмуалари негизига ташкил этилаётган тақсимлаш марказлари ва янги клиникаларни тиббий ходимлар билан таъминлаш, коронавирус билан хасталанган шахсларни самарали даволашга мамлакатимиз ҳарбийлари, ҳарбий-тиббий муассасаларнинг хизматчилари ва тиббиёт мутахассисларини жалб қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Жалб қилинаётган тиббиёт ходимларининг смендаги меҳнатига ҳар кун, ўз вақтида ҳақ тўлаш, уларни зарур яқна тартибдаги ҳимоя воситалари, озиқ-овқат ва ётоқ билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида мутасадди тузилмалар раҳбарлигига бу борадаги ишларни ташкил этиш бўйича аниқ топириқ ва кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

## Қурбон ҳайитини карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уйларимизда нишонлаймиз

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 24 июлда эълон қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарориди белгиланганидек, бу йилги Қурбон ҳайитини карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда уйларимизда нишонлаймиз.

### Муносабат

Бутун дунёни ташвишга солган, одамларнинг турмуш тарзини, ҳаётини издан чиқариб юбораётган коронавирус инфекцияси бизни уйларимизда қолишга мажбур қилаётгандир, эҳтимом. Лекин асло эзгу ишларимиз тўхтаб қолгани йўқ. Балки жайрили амалларимиз байрамлар муносабати билан янада кенгрок қўлаб касб этмоқда.

Қурбонлик — савоби улуг ибодат. Иброҳим алайҳиссалом даврдан бери ҳар йили бутун ислом оламида ушбу ибодат кенг нишонланиб келинади.

Набий алайҳиссалом: «Кимки ҳурсандчилик билан савоб умидида қурбонлик қилса, қурбонлик у учун дўзахдан парда бўлади» (Имом Табароний ривоят), деб марҳамат қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Ҳеч бир кун ва унда қилинган бирорта амал Аллоҳнинг наздида Зулҳижжа ойининг ўн кунидида қилингандан буюрок ва Унга махбуброқ эмас. Бас, бу кунларда таҳлил, тасбеҳ, тақбир ва таҳмида кўп айтин» (Имом Байҳақий ривоят).

Шунингдек, бу айёмларда имкони етган кишилар қурбонлик қилишлари энг афзал ибодатдир. Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити кунини бизларни ҳайит намозини ўқига, қурбон етган кишиларни эса қурбонлик қилишга буюрган. Қурбон қаримда бу ҳақда бундай баён қилинган: «Бас, Раббингиз учун намоз ўқинг ва

(туя) сўйиб қурбонлик қилинг!» (Касар сураси, 2-оят).

Қурбонлик диний ибодат бўлиши билан бирга, унинг ахлоқий-ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Қурбонлик туфайли динимизда ўзаро ижтимоий ёрдамнинг, қўмақнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Эҳтиёмжанд оилаларга қурбонлик гўшларни тарқатилади.

Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади. «Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам: «Ким қурбонлик қилса, учинчи кундан кейин уйдан ундан бирор нарса бўлган ҳолида тонг оттирмасин», дедилар. Келаси йили бўлганда: «Эй, Аллоҳнинг Расули, ўтган йили қилганимиздек қилайликми?» дейилди. У зот: «Енглар! Таомлантинглар! Сақлаб қўйинглар! У йили одамлар қийинчиликда эдилар. Уларга ёрдам беришингизни хоҳлаган эдим», дедилар» (Имом Бухорий ривоят).

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифга асосланиб, одадий ҳолатларда қурбонликнинг гўштини учга бўлиб, бир қисмини ўзи ейиши, иккинчи қисмини камбағалларга бериши, учинчи қисмини сақлаб қўйиш яхши, дейдилар. Мўҳтожлар кўпайганда эса уларнинг риоясини қилиш зарур.

Кўпчиликини бир савол қизиктириши табиий. У ҳам бўлса, бу йилги карантин шароитида Қурбон ҳайити намозини ўқиладими?

Ў.А.

## «Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борилигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!»

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Одил судлов:

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ**

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият. Уларнинг амалда таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилиниши ҳамда бузилган ҳуқуқларининг тикланиши бевоқолат суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатли ва холис қарор қабул қилиши билан баҳоланади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

### Акс садо

Юртимизда ушбу соҳани ривожлантириш йўлида барча чоралар кўрилиб, судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳақиқий одил судловни амалга ошириш ва пировардида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ижобий натижаларга эришиляпти.

Ютуқлар ўзимизники, албатта. Бугун эришилган ютуқларни эмас, тизимдаги муаммоларни таҳлил қилиб, уларнинг ечимини излаш ҳақида ўйлайдиган замонда яшаймиз. Чунки вақт кутиб ўтирмайди.

Дўппини бошдан олиб, чуқурроқ му-

Ў.А.

## «ЮКСАЛИШ» УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати таъсисчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган йиғилишда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

### Анжуман

Тадбирда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати таъсисчилари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати қисқа давр ичидида нуфузли жамоат ташкилотига айлангани, унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни жамоатчиликка етказишда фаол иштирок этётганини таъкидлади. Бу тузилманинг давлат ва жамият ҳаётини юксалтиришга қаратилган илғор гояларни ишлаб чиқишдаги ўрни ҳам салмоқли бўлмоқда.

Йиғилишда Ҳаракат томонидан амалга оши-

рилган ишлар ва эришилган натижалар юзасидан ахборот берилди.

Шундан сўнг таъсисчилар А. Бурҳоннинг Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори лавозимига тайинлангани сабабли уни ҳаракат раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кун тартибидидаги иккинчи масала — «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати — нодавлат ноижора ташкилотининг раиси лавозимига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Бекмуродов Бобур Мансурович номзоди кўрсатилди.

Ў.А.

## ЖОРЖ ВАШИНГТОН УНИВЕРСИТЕТИДА

Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишига бағишланган брифинг ўтказилди

АҚШнинг етакчи таҳлил марказларидан бири — Жорж Вашингтон университетининг Марказий Осиё дастури (CAP) платформасида мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги элчиси Жавлон Ваҳобов Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига бағишланган брифинг ўтказди.

### Биз ва жаҳон

Эллотт мактабининг Марказий Осиё дастури директори Марлен Ларуэл модераторлик қилган тадбирда АҚШнинг таниқли сиёсатчилари, эксперт ва таҳлил доиралари ҳамда таълим муассасалари вакиллари қатнашди.

Жавлон Ваҳобов анжуман иштирокчиларини мамлакатимизда сўнгги тўрт йил давомида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги маълумотлар билан таништирар экан, уни янада модернизациялаш режалари, шунингдек, Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш истиқ-

боллари хусусида ҳам сўз юритди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар, иқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда бандликни таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, рақамли иқтисодиёт ҳамда «электрон ҳуқумат»ни ривожлантириш, ташқи савдо-ни диверсификация қилиш, инвестициялар оқими ва жамини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ў.А.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ҚАЙСИ МЕЗОНЛАР БИЛАН АНИҚЛАНМОҚДА?

Баш вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор идораларга қуйи палатанинг парламент сўрови юборилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, жорий йил 15 — 25 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини атрофила ўрганиб, таҳлил қилдилар.

Мазкур ўрганиш жараёнида камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва меzonлари, камбағалликни қисқартиришга қаратилган аниқ механизмларнинг мавжуд эмасли-



ги жойларда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламни ҳимоялашда турлича ёндашувларни келтириб чиқараётгани маълум бўлди. Бу эса, ўз навбатида, тегишли аҳоли гуруҳлари билан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда.

Ў.А.

### КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ ҚАЙСИ МЕЗОНЛАР БИЛАН АНИҚЛАНМОҚДА?

Ўрганишлар давомида "темир дафтар" юртилиши бўйича айрим туманларда тафовут борлиги аниқланди. Бу каби ҳар хил ёндашувлар жойларда мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, депутатлар томонидан бу борадаги асл ҳолат жойларга чиқиб ўрганилганда, ҳақиқатда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар "темир дафтар"га кирмай қолганлиги маълум бўлди. Бир қатор туманларда аҳоли хонадонларида ўтказилган муноқотлар чоғида муҳтож оилаларга ажратилган субсидияларга эҳтиёж амалдагидан юқори эканлиги аниқланди.

Шунингдек, ўрганишларда айрим ҳудудларда камбағалликни аниқлаш, аҳолининг камбағал қатлами ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича захирани шакллантириш ҳамда маъжуд ресурслар тақсимотида туман (шаҳар)лар, секторлар ва ҳатто, маҳаллалар кесимида ҳам сезиларли тафовутлар юзага келгани аниқланди. Ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзaro яқин бўлган оилаларни қўллаб-қувватлашда бир оила-

га бир турдаги кўмак кўрсатилган бўлса, худди шундай бошқа оила бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги кўмак билан қўллаб-қувватланганлиги бу жараёнда инсон омиллигини таъсири катта бўлганлигини кўрсатмоқда.

Депутатлар томонидан жойларда ўтказилган ўрганишлар мобайнида аниқланган бу каби ҳолатлар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти даражасидан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва бу борада аниқ дастурини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Кўчқоровга "Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонларини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш бора-сида амалга ошириладиган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА МИКРОМОЛЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ КАМ

Бу бўйича халқ вакиллари Марказий банк раисидан изоҳ кутади.

Халқ вакиллари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда бугунги кунда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиялаштиришда мижорат банкларидан ресурслар етишмаслиги билан боғлиқ тизимли масалалар мавжудлиги аниқланди. Бу, ўз навбатида, нобанк кредит ташкилотлари хизматларига бўлган эҳтиёж юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нобанк кредит ташкилотларининг кредит бозоридаги салмоғи паст даражада қолмоқда. 2020 йилнинг 1 июнь ҳолатига, уларнинг жами кредит қолдиғи 801,7 млрд. сўмни ташкил этиб, банклар томонидан жиқсоний шахсларга ажратилган кредитлар (ипотека кредити бундан мустасно) қолдиғининг атиги 3,8 фоизини ташкил этади.

Республикамизда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотларининг умумий сонини 118 та бўлиб, шундан микро-

### «ЮКСАЛИШ» УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

У ўз фаолиятини "Ипак йўли" АИТБ мутахассиси сифатида бошлаган. 2007 — 2018 йилларда Ёшлар ташаббуслари марказининг минтақавий ваколатхоналари координатори, Республика ёшлари иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази директори, "Creative financial solutions" компанияси корпоратив ривожлантириш бўйича директори лавозимида фаолият юритган. 2017 — 2019 йилларда "Тараққиёт стратегияси" маркази координатори, бош координатори, ижрочи директори ўринбосари,

2019 йилдан ҳозирга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ҳамда 2020 йилдан буён "Юксалиш" умумимиллий ҳаракати раиси ўринбосари бўлиб ишлаб келган.

Таъсисчилар томонидан "Юксалиш" умумимиллий ҳаракати раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бобур Бекмуродовни "Юксалиш" умумимиллий ҳаракати — нодавлат нотижорат ташкилоти раиси лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

### Тарғибот тадбирларининг таъсирчанлиги қай даражада?

Яқинда кўмитамиз аъзолари томонидан "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларидаги ижроси ўрганилди.

Таҳлилларга кўра, ушбу ҳужжат кўчга киргач, мазкур йўналишдаги ишлар сезиларли даражада жонланган. Хусусан, охириги уч йилда тиббиёт соҳасини молиялаштириш ҳажми ортиб, 2017 йилда Тошкент вилоятига 456 млрд. сўм ажратилган бўлса, ўтган йилда 935 млрд. сўмни, худди шундай Самарқанд вилоятига 2017 йилда 552 млрд. сўм ажратилган бўлса, ўтган йилда 1 трлн. 118 млрд. сўмни ташкил этган. Демак, ўтган йили ажратилган маблағ миқдори ҳар иккала ҳудудда икки баравар кўпайган.

### Таҳлил

Бугун мазкур ҳудудларда 36 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 21 та оилавий умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, маҳаллаларда тарғибот тадбирлари ўтказилганга қарамастан, воғда етмаган қизлар ўртасида ҳомиладорлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Тошкент вилоятидаги эрта туғуруқ ҳолати содир бўлган қизларнинг ружий ҳолати, улардаги ўзгаришлар ҳақида ота-она, тарағлим муассасаси ва маҳалла фаоллари вақтида хабар топмаган. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлиги ҳали етарли эмас. Қолаверса, талым муассасаларида психологлар томонидан қизларга ружий ёрдам кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Яна бир ачинарли ҳолат, тиббиёт муассасалари томонидан репродуктив ёшдаги фуқароларни ва ҳомиладор аёлларни репродуктив саломатлигини бузилиши хавфи ҳамда унинг реабилитацияси ҳақида хабардор қилиш ишлари манзилли ташкил этилмаётганидир. Натижада аввалги туғуруқдан сўнг соғлигини тўла тикламай туриб, қайта ҳомиладор бўлган аёллар сонини ортиб бораётди.

Масалан, Тошкент вилоятида бир йилга-га оралиғидаги туғуруқлар сонини 2019 йилда 54 тани ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 38 нафарга ортаган бўлса, Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Тайлоқ туманларида бу ҳолат кўпайиб, беш ва ундан ортиқ туғуруқлар сонини вилоят бўйича 43 тага ошган. Оқибатда гўдақларнинг асорат ва нуқсонлар билан туғулиши кузатишмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли давлат қорхоналари томонидан контрацепция воситалари етказиб берилиши турли сабаб билан чўзилаётгани ҳам мавжуд муаммолардан биридир. Масалан, ўтган йил

уич контрацепция воситалари тиббиёт муассасаларига ноябрь ойида етказиб берилган, холос.

Назаримизда контрацепция воситаларини харид қилиш ҳамда тиббиёт муассасаларига етказиш жараёнини қайта кўриб чиқиш, ушбу воситаларни харид қилиш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўз вақтида ва етарли миқдорда маблағ ажратилишини таъминлаш мақсадаги мувофиқ.

Ҳар иккала вилоятда ҳам умумтаълим мактабларини тиббиёт хоналари билан таъминлаш ишларига масъулият билан ёндашилмаган. Хусусан, Тошкент вилоятидаги 889 та умумтаълим мактабларининг 26 фоизи, Самарқанд вилоятидаги 1 238 та умумтаълим мактабларининг 32 фоизидида тиббиёт хоналари йўқ.

Урганиш натижалари давлош профилактика муассасаларининг йиллик дори воситалари ҳамда тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни аниқ ҳисоб-китоб билан белгиланмаслиги, тақсимот тўғри ташкил қилинмаслиги ҳам бу борада муаммолар жиддий эканлигини ва зудлик билан ечим топилиши кераклигини кўрсатди.

Хусусан, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига 484,6 млн. сўмлик дори воситаларига эҳтиёж борлиги ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, бошқарманинг маълумотида 107 млн. сўмлик 4 турдаги дори воситаларига эҳтиёж ортиқча кўрсатишган, 193 млн. сўмлик 5 турдаги дори воситаларига эса эҳтиёж кам кўрсатишган.

Тошкент вилоятидаги туғуруқхоналарда репродуктив касалликларнинг олдини олиш ва давлош воситаларига бўлган эҳтиёж катталигини инобатга олиб, юқоридаги маблағларни шу мақсадга йўналтириш ўринлидир.

Бугун дунё миқёсида одамзодни тахликага солиб турган пандемия инсон соғлиғига ҳар қачонгидан хушёр муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Агар биз ўйлиқларимизни соғлом қамолга етказасак, улар организмда замонавий тиббиёт талаб қилган иммунитет барқарорлигини таъминлай олсак, олдимиздаги энг долзарб вазифани уздаган бўламиз. Зеро, бу дунёда инсон учун саломатликдан устув буюмлик йўқ.

Маъмулдор ПАРТИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари.

### КОРОНАВИРУС

Бугун келажакка умидвор ҳар бир инсон ягона ташвиш билан яшамоқда. Тан олиш жоиз, инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган қоронавирус пандемиясининг дунё бўйлаб тобора тарқалиб бораётгани барчамнинг фикри зикрини, уй-ҳаёлини, тафаккурини банд этгани ҳам айни ҳақиқат.

Ушбу таҳдид, аввало, инсонлар саломатлигига таъсирини ўтказиб, оғир оқибатларга олиб келаётгани ҳеч қачон бемарқ қолдирмаётти. Боз устига, инфекцияга чалинаётганлар сонини даққига сайин ортиб бораётти. Дунё бўйича шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кузатилаётган ўлимлар сонини, рақамлар ташвишли тус олиши баробарида, барчамизни янада огоҳликка ва ҳушёрликка чорламоқда.

### Нуктаи назар

Ана шундай хавфли дамларда давлатимиз раҳбари республикамиз аҳолисини ҳамжихатлик ва юксак интизом билан бу офатнинг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирларни аниқ белгиланган муддатларда сўзсиз бажаришга даъват этмоқда. Шақ-шубҳасиз, бунинг учун давлат ҳисобидан жуда катта миқдорда маблағлар ажратилди ва уларнинг узлуқ-сизлиги таъминланган.

Ҳўш, ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлаш учун шунча имкониятлар яратилаётган бир пайтда биз ўзимизни қандай тутишимиз керак, бизнинг мажбурият ва вазифаларимиз нималардан иборат бўлмоғи лозим?

Аввало, қоронавируснинг ўта хавфли эканлигини тўғри англаб олишимиз, у ҳақидаги маълумотларни олишда фақат расмий манбаларга таянишимиз ва аҳолига ҳосил тушунтиришимиз зарур. Энг муҳими, турли миш-мишлардан, ёлғон хабарлардан, энг асосийси, ваҳимадан йироқ бўлмоғимиз даркор. Шифокорлар ва мутахассислар масалатларига амал қилган ҳолда, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш, тиббий ниқоблардан фойдаланиш, ўз вақтида тўри ва сифатли овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш орқали соғлом иммунитетга эга бўлиш барчамизни қоронавирус балоисидан асрашини англамоғимиз лозим.

Ҳозирги кунда глобал муаммо — қоронавирус инфекциясининг олдини олиш, унинг давосини топиш бўйича бутун дунё олимлари изланиш олиб бормоқда. Ушбу касалликка қарши энг яхши даво, бу — унинг олдини олиш, яъни юктирмамасликдир. Демак, айни пайтда бор эътиборимизни карантин тартиб-қоидаларига тўла амал қилишга қаратмоғимиз керак.

Эътироф этиш жоизки, тиббиёт ходимлари мамлакатимизда касалликнинг олдини олиш, қоронавирус инфекциясини енгитиш кетишлари учун бор маҳоратларини ишга солган ҳолда курашмоқда. Улар замонавийнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир. Қоронавирус пандемияси шароитида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаётини асраш, юртимизда инфекцияни янгилашда улкан жасорат ҳамда фидойилик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ тиббиёт, Ички ишлар, Муҳофаа ва Фавуқлода вазиятлар вазириликларини ҳамда Миллий гвардия ходимлари ва бошқа ташкилотчиларнинг давлат муқофотлари билан тақдирлангани уларнинг меҳнатига берилган эътибор ва гамфўрликнинг юксак намунаси.

Очингани айтиш керак, пандемия жаҳон иқтисодиётига, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётига, ижтимоий, ҳатто, маънавий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Юртимизда касалликка қарши амалга оширилаётган тезкор ташкилий чора-тадбирлар қоронавирус пандемияси шароитида халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо ҳозирги мурракаб вазият тиббиёт соҳасида узок йиллар давом этади йиғилиб қолган муаммоларни юзага чиқариб, соҳада зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни кун тартибига янада долзарб қилиб қўйяпти.

Чуночки, бугунги ҳолат аксарият вилоят ва туман шифохоналарининг жонлантириш (реанимация) бўлимларида УСВ ҳамда бошқа тиббий жиҳозларнинг етишмаслиги боис нафас йўллари бузилиши билан оғирган беморларга тўлиқ малакали тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр эмаслигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам автомобиллари ва хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимларининг етишмаслиги натижаида барча тез ёрдам чакирликларига хизмат кўрсатиш янада оғирлашди.

### ИНСОНИЯТ АҚЛ-ИДРОКИДАН КУЧЛИ ЭМАС

Маълумотларга қараганда, ҳозир Ўзбекистонда 1 513 та шошилинч тиббий ёрдам станцияси мавжуд. Амалдаги тартибга кўра, фавуқлода ва оғир вазиятларда тез тиббий ёрдам гуруҳи белгиланган жойга 15 — 20 дақиқа ичиде етиб келиши лозим. Чакирликлар сонининг ортиши натижаида бу борада муаммолар юзага келмоқда. Аслида дунёнинг деярли барча мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимига ва умуман, давлатда бундай босимлар кузатишмоқда. Шу сабабли диагностика усқуналар, транспорт воситалари УСВ аппаратлари, кнспорд бериш усқуналари, шахсий химоя воситалари ҳамда бошқаларни сотиб олиш билан боғлиқ янги ҳаражатлар вукудга келади.

Бироқ бу ҳаражатларнинг катта қисминини бюджетга зарар эмас, балки соҳага инвестиция киритиш сифатида баҳолаш мумкин. Чунки харид қилинган воситалар соҳага бир неча йиллар давомида хизмат қилади.

Қўшимча ҳаражатлар гуруҳи ўринлар фондини (койка) иختисослаштириш билан боғлиқ молиявий ҳаражатларни қуйдаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин: — COVID-19 билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифохоналарни зарур усқуналар билан жиҳозлаш ва юқори даражадаги шахсий химоя воситалари билан таъминлаш ҳамда бошқа ҳаражатлар учун маблағ; — тиббий муассасаларни қайта иختисослаштириш даврида тиббий ташкилотларни сақлаб туриш учун зарур бўлган маблағлар;

— кутубхона аксарият ўринларнинг бўш қолиши натижаида даромад бўлмаганда ёки қисман даромад олинганда бўш ўринлар (койка) фондини сақлаб туриш учун маблағлар шулар жумласидандир.

Кайд этиш жоизки, қоронавируснинг тарқалиши соғлиқни сақлаш тизимини қайта ташкил этишга амалга оширишга ўз таъсирини кўрсатди. Мамлакатда молиявий аҳолининг қўйилаётган оқибатлари "Саломатлик" каби миллий лойиҳалар параметрларини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга, жамиятда соғлиқни сақлашнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган бир пайтда, ушбу лойиҳаларнинг айрим қисмлари қоронавирусга қарши кураш бўйича жорий ҳаражатларга кам келишини ҳисобга олсак, соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган ҳаражатларнинг қисқариши кузатилаётди.

Жорий ҳолат мамлакатимизда тиббий муассасалар фаолиятига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий база қоронавирус ҳолатида тезкор таъсир кўрсатишга етарли эмаслигини кўрсатди.

Шу муносабат билан пандемия шароитида бошқа давлатлар тиббий муассасалари фаолиятининг янги шакл ва усқуналардан фойдаланиш бўйича тажрибаларини ҳисобга олиш лозим. Масалан, хитойлик шифокорлар мамлакатдаги етакчи тиббиёт муассасалари билан видеоконференция форматида онлайн семинар ва вебинарларни доимий равишда ўтказсади. Ва бу ўзини оқлаётган самарали восита сифатида эътироф этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ўзбек шифокорлари COVID-19нинг олдини олиш ҳамда назорат қилишнинг Хитой механизмининг миллий ва минтақавий даражада атрофлича ўрганиши ҳамда қоронавирус инфекциясига чалинган беморларни доволлаш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот олиб бориши ва ўзаро фикр алмашиши. Икки мамлакатнинг иختисослашган тиббий муассасалари ҳамкорлиги ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон вироусология илмий-тектириш институти Пекин Генотика институти билан имзоланган Меморандум доирасида қатор қизиқарли ташаббусларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Франция мутахассислари қоронавирусга қарши кураш бўйича ўз тажрибаларини, касалликка қарши курашиш доирасида олиб боришган тадқиқотлар билан ўртоқлашмоқда. Шу ўринда COVID-19нинг кучли таҳдид учраган Франция ушбу вирус билан касалланганларни давлошнинг таъсирчан ва самарали схемаларини ишлаб чиқаришга амалга оширишга таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, бугунги кундаги вазият таҳлиллари натижалари асосида қуйдаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистонда қоронавируснинг тез тарқалиши янгилашда қатор объектив омиллар ёрдам беради ва бундан фойдаланиш лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон қоронавирус тарқалишига қарши муваффақият қилиш учун етарли иқтисодий, илмий ва технология салоҳиятга эга. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустақамланмиш бормоқда.

Учинчидан, қоронавирус билан боғлиқ вазият махсус текширувлар, режалар тиббий ёрдам тиббий қўриқларининг тўхтатилиши билан боғлиқ салбий натижага олиб келиши мумкин. Бу

### Аёллар ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти институтлари

"Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш, химоя қилиш ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролик жамиятини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида видеоконференцалоқа тарзида тренинг бўлиб ўтди.

### Тренинг

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси қошидаги ННТ Бирлашмаси томонидан Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ҳамда халқаро тузилмалар ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда пойтахтимизда хотин-қизлар маса-

лалари билан шуғулланувчи давлат идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тренингда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш масалаларига йўналтирилган фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда гендер ва оилавий-машиий зўравонлик масаласи кенг таҳлил қилинди.

Кайд этилганидек, пандемия даврида дунё бўйича оилаларда зиддият кучайиши кузатишмоқда. Бундай шароитда хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини инсончилик ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Тадбирда гендер тенглик бора-сида миллий ва халқаро қонунчилик ҳамда зўравонлик муаммоси билан ишлашга оид масалалар юзасидан тушунтириш берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, шундай тренингларни Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

### Сарҳисоб

Аҳоли фаровонлиги, мамлакат тараққиёти қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигига бевосита боғлиқ, Чунки қонунлар одамлар турмушида таъсирчан кучга эга бўлмас экан, бундай ҳужжатларни қабул қилишининг асло кераги йўқ.

### ФАОЛИЯТИМIZ ДАВОМИДА ЯНА КўП ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИМIZ КЕРАК

Кайд этиш жоиз, кўмитамиз аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнига ана шу нуктаи назардан жиддий ёндашиб келмоқда. Мисол учун, кўмига томонидан шу йилнинг 6 ойида 19 та (27 фоиз) қонун лойиҳасини олиб чиқилган. Уларнинг 5 таси кўмитамиз аъзоларининг ташаббускорлик ҳуқуқи асосида киритилган. Мазкур ҳужжатлар парламент фаолияти самарадорлигини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, мулк ҳуқуқини химоя қилиш, жамоат тартибинин сақлаш, пандемия шароитида карантин қоидаларига риоя этиш интизомини қучайтиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Кўмитанинг қонун ижодкорлиги фаолиятида Конституция ва амалдаги қонун талаблари ҳамда сайловчи қатлами манфаатларидан келиб чиқиб, киритилган қонун лойиҳаларини қарийб 60 — 70 фоиз қайта ишланади. Масалан, Хукумат томонидан 2020 йил 20 февралда киритилган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг янги тахририда лойиҳаси кўмига томонидан 70 фоиз қайта ишланган.

2020 йил 11 февралда киритилган қонун лойиҳаси билан тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситаларига тўқисиз ўтиб кетишига ҳалакат берганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128<sup>б</sup>-моддаси биринчи қисми санкциясини икки баравар оқшириш тақлиф этилган. Бирок ушбу тақлиф етарлича ҳуқуқий асосга эга эмаслиги ва сайловчилар манфаатига зид бўлганлиги сабабли кўмига ташаббус билан чиқариб ташланган.

Бундан ташқари, нафақат ўз иш юритувидаги қонун лойиҳалари, балки Қонунчилик палатасидаги бошқа кўмиталар масъул бўлган қонун лойиҳаларини коррупцияга қарши яратувчи нормалардан ҳоли этишда қатнашмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида 10 га яқин коррупцияга қарши яратувчи нормалар кўмига ташаббус билан қонун лойиҳаларидан чиқариб ташланди.

Парламент назоратини олиб бориш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан саналади. Чунки, жорий йилнинг 6 ойи давомида давлат органларига ҳуқуқий сийёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича — Давлат божхона кўмитаси, Адлия, Соғлиқни сақлаш ва Қурилиш вазирликлари ахбороти эшитилди. Эшитув яқуни бўйича қарорлар қабул қилиниб, уларга мувофиқ тегишли вазирликлар тизимида коррупцияга қарши курашиш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, коррупцияга қарши яратувчи 1 та қонуноти ҳужжати ни бекор қилиш ва 2 таси-

Хар бир мурожаат замирида инсон тақдирини муҳим ҳисоб қилиш зарурлиги ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Шунингдек, эколог дунёқараш, тиббий маданият ҳамда соғлом турмуш тарзи масалаларида аҳоли маданияти янада ортишини кайд этиш зарур.

Ўз навбатида, партия ва унинг қўш сонли фаоллари халқимиз фаровонлигини таъминлаш, инсонлар дахмо камарбаста бўлишга бор куч ҳамда гайратини сафарбар этади.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Иброҳим кўмитаси раиси.

Жаҳонгир ШИРОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси.

# «БУ ЭЪТИРОФ ЯНАДА ШИЖОАТ ВА САДОҚАТ БИЛАН ИШЛАШГА УНДАЙДИ»

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ҳамда соғлиғини ҳавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўйилган муносиб ҳиссаси ва аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, улкан жасорати ва фидойиллиги учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, ордан ҳамда медаллар билан мукофотланди.

Ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлган соҳа фидойиларининг айримларидан дил сўзларини ёзиб олдик.

## Дил сўзи

**Ҳабибулла ОҚИЛОВ, Ташкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиб:**

— Ушбу эътироф нафақат менга, балки мен раҳбарлик қилаётган жамоага, институтида ўз малакасини ошириб, ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоят ва туманларда коронавирусга қарши кураш олиб бораётган тиббиёт ходимларига берилган мукофотдир.

Мамлакатимизда пандемиянинг дастлабки кунлариданоқ у кенг тарқалишининг олдини олиш, асоратларини бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнларда оз бўлса-да қўшган ҳиссам, камтарона хизматларим юқори баҳоланиб, Президентимиз томонидан юксак мукофот билан тақдирланганимдан гоятда хурсандим. Бу мени ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам пандемия билан боғлиқ ва-

**Нурмат ОТАБЕКОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиб:**

— Инсон ўз касбини улуғлаб яшаши лозим. Рости, устозларимиз “Касбингни сев, унга содиқ қол, танлаган соҳангда сидқидилдан самимий меҳнат қил, Аллоҳ меҳрибон, албатта, кунлар келиб, қилинган меҳнатнинг ажри бор”, деганида унчалик аҳамият бермаган эканман. Тўғриси, Президентимиз Фармони билан юксак ордан билан тақдирланганимни эшитиб, кўзимга ёш келди. Куну тун чеккан машаққатлар бир зум ҳаёлимда жонланди. Уғлим “Табриқ-лайман, бу юксак эътироф-қў!” дея бағрига босганида ўзимга келдим.

**Баҳодир ҚУТЛИМУРАТОВ, Қорақалпоғiston Республикаси давлат санитария эпидемиологик осойишталик маркази бош шифокори, II даражали “Саломатлик” ордени соҳиб:**

— Президентимиз Фармонига кўра, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойиллик кўрсатгани учун мукофотланган бир гуруҳ юртдошларимиз сафида борлигимни эшитиб, тўғриси, қувонганимдан жуда ҳаяжонландим. Кейин табриқлар келиб татбиқланди. Бу эътироф мени вирусни ҳаётимиздан бартараф этиш учун янада самарали курашишга, бугунги шароитда ўз вазифамга янада

**COVID-19**  
**ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР**

— Уйда COVID-19дан даволанаётган беморларга дори-дармон воситалари бепул тақдим этилиши тартибини тушунтирсангиз. Поликлиникадаги шифокор улар фақат муҳтожларга берилишини айтиди. Бепул дори олиши мумкин бўлган тоифага кимлар киритилади?

— COVID-19га қачинган беморларнинг барчаси бирламчи бўлин, яъни амбулатор-поликлиника муассасалари томонидан назоратга олинди ва зарур дорилар билан бепул таъминланди.

— Иситмаси бор беморлар “шифокорни уйга чақиринг”, деб поликлиникаларга қўйилмапти. Бу қанчалик тўғри?

— Тана ҳароратининг кўтарилиши бир неча сабабларга кўра юз бериши мумкин. Хусусан, бу COVID-19 инфекцияси аломатлари бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Иситмаси мавжуд бемор агар коронавирус инфекциясига қачинган бўлса ва айни ҳолда унинг тиббиёт муассасаларига бориши бошқа одамлар билан мулоқотда бўлишига, бунинг натижасида касалликни кўпчиликка юқтиришга олиб келиши мумкин. Шу босим уйда қолиб, телефон орқали тез тиббий ёрдам хизматини чақиритиши ёки поликлиника шифокорига мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ.

— Ижтимоий тармоқларда “Экспресс тестларни улгурчи сотяпмиз, сифати қафолатланган, Германияда ишлаб чиқарилган” каби маълумотлар тарқалаяпти. Бундай ҳолатларга муносабатингиз қандай?

— Юқумли касалликларни ташхислаш фаолияти билан давлат ва тегишли лицензияси бўлган нодавлат лабораториялар шугулланиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лаборатория текширувлари уй шароитида қилиниши мумкин эмас. Коронавирусга ҳам текширув лаборатория шароитида, мутахассислар томонидан олиб борилиши лозим. Ижтимоий тармоқларда тарқатилётган бу каби маълумотларга ишонмаган маъқул. Элининг бошига ташвиш тушган шундай кунларда моддий манфаат илнжида йиланмаётган бундай алдов ишлар инсофсизликдан бошқа нарса эмас.

— Нима учун охири пайтларда маҳаллаларда рейдлар ўтказилмаяпти? Айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида одамлар тўпланиб, никобисиз суҳбат қилиб ўтирганига, ёш болалар кўпчилик бўлиб бемалол ўйнаб юришигагина гувоҳ бўлмоқдамиз. Нега улар назоратга олинмаяпти?

— Ҳозирги пайтда тегишли ташкилотлар, маҳалла фаоллари биргаликда карантин талабларига амал қилмаётган фуқароларни назоратга олиш чораларини кўрмоқда. Бироқ шуни аниқлаб етишимиз керакки, юртимиздаги 34 миллион аҳоли устидан буткул назорат ўрнатилиши имкони йўқ. Шундай экан, биз бир-биримизни назорат қилишга ҳам ўрганишимиз керак. Зарур бўлганда танбех бериш, эътироз билдириш, тушунтириш орқали бу каби ҳолатларни бартараф этишимиз мумкин. Зеро, лоқайд кимсалар ўзларининг соғлигини асрашни хоҳламас экан, у ҳолда сиз билан бизнинг саломатлигимизни ҳавф остига қўйишга ҳам ҳаққи йўқ!

— Тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари ҳам COVID-19га қараши кураш учун сафарбар этиладими ва бу борада уларга қанақа имтиёзлар берилади?

— Бугунги оғир ва мураккаб шароитда халқимиз бирдамликни, ҳамжихатликни намоеён этмоқда. Жумладан, коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тўлиқ ҳамда сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши учун тиббиёт институтилари ва коллежалари талабалари ҳам жалб этилганди. Уларнинг 2 ҳафталик оилак маоши тоифасига қараб 5 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача ташкил этилди.

Саволларга Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат ОТАБЕКОВ жавоб берди.

## ЖОРЖ ВАШИНГТОН УНИВЕРСИТЕТИДА Ўзбекистоннинг замонавий ривожланишига бағишланган брифинг ўтказилди

Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мамлакатимиз элчиюнаси вакиллари атрофида жавоб қайтарди. Жумладан, дипломатик ваколатхонамиз раҳбари Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га кириши истикболлари хусусида тўхталиб, бу мамлакатимиз ташқи иқтисодий сибсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Қарийб 15 йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши бўйича қўшма ишчи гуруҳи мажлислари қайта йўлга қўйилгани айтиб ўтилди. АҚШ ҳукумати юртимизнинг ЖСТга қўшилишини доимо қўллаб-қувватлаётгани алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок этиши истикболлари ҳамда Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан янги битим тузиш бўйича музокаралар жараёни хусусида ҳам фикр юритилди.

Мамлакатимиз элчиси Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу давлатда иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишдаги фаол иштироки, қолаверса, икки томонлама ўзбек — афғон муносабатларини кенгайтириш жараёни ҳақида ҳам батафсил маълумот берди. Таъкидландики, шу йилнинг май ойида ташқи ишлар вазирларининг “Ўзбекистон — АҚШ — Афғонистон” форматидagi биринчи уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди. Жорий йил 21 июлда мазкур мулоқот доирасида ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларига масъул вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирокда иқтисодий бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Умуман олганда, брифинг иштирокчилари Ўзбекистондаги ҳозирги ўзгаришлар, айниқса, пандемияга қарши курашиш давридаги жараёнлар, ташқи сибсат, хусусан, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатлари, Ўзбекистон — Америка алоқаларининг айрим жиҳатларига катта қизиқиб билдирди.

Марказий Осиё дастури билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир доирасида жорий йил август ойида АҚШ тахлилий ва академик доиралари вакиллари учун Ўзбекистон — Америка муносабатларининг ҳозирги ҳолати ҳамда уларни ривожлантириш истикболларига бағишланган махсус сессия ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, САР — Жорж Вашингтон университети қошидаги Эллиотт мактабининг Лойиҳаларни ташкил қилиш жамағамаси томонидан молиялаштирилмаган ҳамда Европа, Россия ва Евроосиё таъдқиқотлари институти томонидан тақдир этилган илмий таъдқиқот ташаббусидир. Муассаса фаолиятининг асосий йўналишларини ҳавфсизлик, тараққиёт, давлат қурилиши ва минтақавий ҳамкорлик масалалари ташкил қилади. САР, шунингдек, йиллик форум, семинар ва халқаро конференцияларни ташкил қилиш билан ҳам шугулланади.

Ушбу тузилманинг мақсади замонавий Марказий Осиёда илмий таъдқиқотларни ривожлантириш, илмий доиралар ҳамда сибсий ҳамжамият ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатил, академик, дипломатик ва ишбилармон доиралар вакилларига турли мавзуларда мунозара олиб бориш учун майдонга тақдим қилишдан иборат.

2021 йил 24 — 27 июнь кунлари Ташкент шаҳрида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида АҚШ, Канада, Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия, Хитой, Австралия, Жанубий Корея ҳамда Япониядан таширф буорадиган 300 дан ортиқ илмий-таъдқиқот, ахборот-таҳлил ва академик муассасалар вакиллари иштирокда САРнинг йиллик конференциясини ўтказиш режалаштирилган.

**Шавкат ОРИҚОВ**  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

## БАХТИЁР ЧЕҲРАЛАРДАН КУЧ-ҚУВВАТ ОЛАЁТГАН ХАЛОСКОРЛАР

Бугун коронавирус билан туну курашаётган тиббиёт ходимларининг заҳматли меҳнатини, уларнинг керак бўлса, ўз ҳаётини хатарга қўйиб, беморларга ёрдамга ошиқаётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Бинобарин, айни пайтда ўз қасамёдига содиқ қолиб, инсон ҳаёти учун курашаётган оқ халатли халоскорларнинг ҳар бир куни қаҳрамонлик, ҳақиқий фидойиллик намунасидир.

### Бугуннинг гапи

Хоразм вилоятида коронавирус инфекциясига қачинган беморлар вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, вилоят эндокринология диспансери ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг юқумли касалликлар бўлимларида даволанмоқда. Хусусан, Богот тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлими 45 ўринга мўлжалланган бўлиб, 60 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади. Бўлимга коронавирус инфекциясига қачинган илк бемор шу йилнинг 16 апрель санасида келтирилган эди. Шундан буён бугун жамоа касалликка қарши курашга тўла сафарбар этилди.

— Эпидемиологик вазиятнинг қай тарзда ри-

вожланиши тўғрисида олдиндан бир нарса дейиш қийин, — дейди бўлим мудирини Фанишер Қурбондурдиев. — Ҳозир шифохонамизда бўш ўринлар мавжуд, шундай бўлса-да эҳтиёт чораси сифатида яна 150 ўринлик жой тайёрланган. Ижтимоий тармоқларда айрим шифохоналарда тиббиёт ходимлари шахсий ҳўмоса воситалари билан тўлиқ таъминланмаётгани, рағбатлантириш маблағлари тўланмаётгани ҳақидаги бир-икки хабарлар чиқди. Бизда бу масалаларда муаммо туғилмади, бўлимимиз керакки шахсий ҳўмоса кийимлари, дори-дармонлар, озиқ-овқат захираси билан таъминланган. Президентимиз қароридан кўзда тутилган 14 кунлик иш кунига қўшимча

рағбатлантириш пулларини ҳам ходимларимиз ўз вақтида тўлиқ олиб турибди. Бўлимимизда тажрибали шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари жуда кўп. Расулбек Юсупов, Бобурбек Вафоев, Нилуфар Худойберганова, Санобар Сатторов, Ширин Абдримова каби ўнлаб фидойи ходимларимиз карантин талабларидан келиб чиқиб, бир ой мобайнида оиласи, фарзандлари бағридан узоқда, кечано-кундуз тик оёқда туриб ишлашга тўра. Дори-дармонлар ўз йўлига, улар ширин сўзи, қалб ҳарорати билан беморларнинг тез фуриятда соғайиб кетишига кўмакдош бўлмоқда. Бир нарса алоҳида таъкидлашни истардим: пандемия шароитида бўлимимиздаги ходимлардан бирортаси ўз ишини ташлаб кетмади, худди жангчи муҳораба майдонидида собит турганидек иш жойида касбига садоқат билан вазифаларини давом эттиришмоқда. Энг муҳими, даррдан фориғ бўлган беморларнинг бахтиёр чеҳралари, самимий дил сўзлари бизга куч-қувват бағишлайди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**  
(«Халқ сўзи»)

## Қурбон ҳайитини карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, уйларимизда нишонлаймиз

Хабарингиз бор, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги баёноти қабул қилинди. Унга кўра, шарият инсонга зарар етиш эҳтимоли кучайган пайтда ибодатларни энгил тарзда бажаришга руҳсат беради ёки бутунлай зиммадан соқит қилади. Ҳайит намози вожиб амал бўлгани боис бугунгидай узрли ҳолатларда ҳайит намозини адо этиш соқит бўлади.

Ислоом дини манбаларида Қурбон ҳайити намози вожиб амал экани баён этилган. Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳдан жума намози вожиб бўлган кишиларга ҳайит намози вожиб экани нақл қилинган. Жума намози Дурулсуннат, ижмо каби қатъий далил-

лар билан собит бўлган фарз амалдир. Модомики, муайян узрлар билан фарз бўлган жума намозини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида уламолар фатвоси қабул қилинган экан, вожиб амал бўлган ҳайит намозини ўқимаслик ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади. Баён этилганлардан келиб чиқиб, 2020 йилги Қурбон ҳайити (Ййдул адҳо) намозини пандемия даврида жамоат бўлиб ўқиш имконияти мавжуд эмаслиги мўмин-мусулмонларнинг зиммасидан ушбу ибодатни соқит қилади.

Ханафий мазҳабининг мўътабар манбаларида келтирилшича, ҳайит намози Зухо (чошгоҳ) намозининг ўрнига қўйилган. Қаноқни, ҳайит намози бирор узр сабабли ўқилмай қолса, икки ёки тўрт ракат нафл

намоз ўқиш мустаҳаб бўлади. Тўрт ракат ўқиган афзал. Шундай экан, Қурбон ҳайити кунларида сабо ишларни кўпайтириш, тақбир ташриқ айтиш, нафл ибодат қилиш, покланиш, чиройли кийимлар кийиш, хушбўйилани, қурбонлик қилиш, яқинларига ҳадялар улашиш айни савобли ишлардан бўлади.

Бу йилги Қурбон ҳайити карантин шароитида нишонланаётганини инобатга олиб, одамлар жамланшига сабаб бўладиган урф-одатларни ташкил этмаслик, уймау-уй юриб, турли азаҳонликлар, маърака-маросимларни ўтказмаслик ва қабристонлар зибратидан сакланишни сўраймиз. Хондонда, оила-аъзолари билан бирга Қурбон карим оятларидан тило-

ват қилиб, ўтганларимиз руҳи покларига бахшида этиш тавсия қилинади.

Азиз юртдошлар, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти ёғилиб турган ушбу фазилатли кунларда қалбимиз юмшаб, ихлосимиз ортиб турган лаҳзаларда дуо қилайлик. Халқимизни, жонажон Ватанимизни офату куфлатлардан, балою қазорлардан ўзи сақлаб, ҳаётимизни бундан-да фаровон қилсин.

Азизлар, мамлакатимизда белгиланган карантин қоидаларига қатъий риоя этиб, Қурбон ҳайитини уйларингизда нишонлашингизни сўраб қоламиз.

**Иброҳимжон ИНОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ КЛАСТЕР ҒОЯСИ ҚИСКА ВАҚТ ИЧИДА ЮКСАК САМАРА БЕРА БОШЛАДИ

Кейинги уч-тўрт йил ичида Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, ёрқин имижини яратилди. Бинобарин, шу қисқа даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда то маънода инқилобий ўзгаришлар юз берди. Ана шундай эврилишлар қишлоқ ҳўжалигида ҳам кузатилиб, давлатимиз раҳбарининг ғояси ва бевоисита ташаббуси билан ишлаб чиқаришнинг тамомилан янги шакли бўлган пахта-тўқимачилик кластерларига асос солинди. Бухородаги “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери мазкур соҳа қалдирғочини эканлигидан, жуда қисқа вақт ичида пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашга мўлжалланган санаот “занжири”нинг тўлиқ ҳалқасини боғлай олганимиздан доимо фахрланиб юрамиз.

### Ислоҳот одимлари

Очилишни айтиш керак, бундан атиги беш йил аввал ўзимиз пахта етиштириб, уни ўзимиз чуқур қайта ишлаб, жаҳон бозоридида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тайёр маҳсулотни ҳам ўзимиз сотишимизни тасаввур қила олмасдик. Юртимизда амалга ошириляётган шиддатли ислоҳотлар биз, тадбиркорлар, чет эллик инвесторларга ана шундай имкониятларни берди.

Кластер учун Ромитан туманидан 8 миң гектар экин майдони ажратилган бўлиб, бу ерда илгари жами 436 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирги кунда 4 мингга яқин кишилар доимий иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача иш ҳақи илгари 434 000 сўм бўлган бўлса, бугунги кунда худди завод-фабрикалар ишчиларидай йил давомида 2,1 миллион

сўмдан ойлик маош олишмоқда. Қувонарли жиҳати, кластер тизими шарофати билан қишлоқ ҳўжалигида мавсумий, ёлланма ишчи, деган тушунчалар барҳам топмоқда. Давлатга фермер ҳўжалиқлари давридаги ҳисбатан 10 баробар кўп миқдорда солиқ тўлунди. Масалан, биргина ўтган йили бу қарийб 18 миңилард сўмини ташкил этди.

Таркибида бешта — йигирув, бўяш, тўқимачилик, “Деним” жинси матосига ишлов бериш, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаларини бирлаштирган йирик тўқимачилик мажмуамизда 1200 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Дунё тўқимачилик санаотида етакчи бўлган Германия, АҚШ, Бельгия, Франция компанияларида тайёрланган энг замонавий технология ли-

ниялар, асбоб-ускуна ва дастгоҳларни ўзимизнинг қорақўзлар, маҳаллий мутахассислар бошқармоқда. Тез орада улар сафига яна 300 нафар йигит-қиз қўшилиди. Биз уларга четда ишлаб топилмайдиган кам бўлмаган миқдорда даромад олиш учун шароит ва имконият яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг самарасида хорижга ишга кетган қўрлаб мутахассислар қайтиб келиб, шу ерда фаолият юриятлапти. Бундан ҳаммага бирдек наф бўлмоқда.

Корхонада йилга 9500 тонна калава ип, ундан эса шу ернинг ўзида “Деним-Premium” жинси матолари ишлаб чиқарилиб, дастлабки босқичда йилга ўртача 1,5 миллион дона “Деним классик” ва “Деним стрейч” шимлари тикилади. Унинг асосий қисми, аниқроғи, 80 фоизи экспорт қилинади. Хусусан, бугунга 1,6 миллион АҚШ долларлик дастлабки тўқимачилик маҳсулотлари чет эллик буюртмачиларга жўнатилди. “BCT Cluster” жинси шимларига Франция, Испания, Португалия, ҳатто, жинсининг ватани ҳисобланган АҚШ компаниялари буюртма бермоқда. Бу Ўзбекистон миллий бренди остида ишлаб чиқариляётган юқори сифатли маҳсулотлар жаҳонда тил олинганини аңглатади.

Санаотчилар яхши билишади. Ҳосилдан ҳосилнинг фарқи бўлади. Шу босим кластер тизимида нафақат хом ашё

етиштириш ҳажмини ошириш, балки унинг сифатини яхшилаб, санаотбоп тола олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона технологлари йиғим-терим мавсумида пахта заводида бўлиб, қабул қилинаётган ҳосил сифатини кўздан кечириб, бирламчи қайта ишлаш жараёни доимо назорат қилиб боришади. Чунки биз халқаро брендлар билан рақобатлашадиган харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқариши мақсад қилган эканмиз, бунга эришиш учун, албатта, сифатли тола олишимиз шарт.

Пахта хом ашё сифатида сотилса бир килограмм толаннинг қиймати 1,5 доллар, ҳозирги пандемия шароитида ундан ҳам пастроқ баҳолиниши мумкин. Агар ундан мато тўқисак, тахминан 7-8 доллар, чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантурсак дастлабки қийматидаан 10 баробар қиммат нарх — 15 долларга сотиш мумкин.

Ёки бўлмаса, бир килограмм калава ип жаҳон бозоридида ҳозирги кунда 2-2,3 долларга нархланмоқда. Ваҳоланки, шунча калава ип чуқур қайта ишланса, иккита эркақлар шими тикилади. Унинг бир донаси қамиди 15 доллардан экспорт қилинган тақдирда ҳам 30 долларга айланади.

Мана, сизга Президентимиз пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этишдан кўзлаган асл мақсад-муддао!

**Муртазо РАҲМАТОВ, «BCT Cluster» пахта-тўқимачилик кластери раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори, сенатор.**



Одил судлов:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҲУҶЖАТ



Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузига эътибор қаратадиган бўлса, унинг ўрни тегишли халқаро рейтингларда пастигича қолмоқда. Қонун устуворлиги индекси бўйича 92-ўрин, шундан "Фуқаролик одил судлов" индикатори — 72, "Жинсий одил судлов" индикатори — 66-ўринда эканлиги тўғрисидаги Фармони юзидан тилга олинган муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Президентимизнинг шу йил 24 июль кунги қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юзидан тилга олинган муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Фармон билан судларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига бир қатор ўзгаришлар киритилди, ҳозирги мамлакатлар таърибасида ўзини оқлаган янги институтлар жорий этилиши белгиланди, судларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, улар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда суд аппарати ходимларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташкилий ўзгаришлар суд фаолиятини халқимизни рози қилишга қаратилган

Ҳўш, Фармоннинг қабул қилиниши натижасида одил фуқаро, халқнинг ҳаётида қандай ўзгариш юз беради? Фуқароларга қандай энгилликлар яратилади, одил судлов таъминланадими, судларнинг чинакам мустақиллигига эришиладими?

Мазкур саволларга тўлақонли жавоб бериш мақсадида Фармон билан белгиланган қатор ўзгаришларни таҳлилий кўриб чиқиш мақсада мувофиқ.

Хусусан, ҳужжатни ўқиб, ўзаро боғлиқ бўлган жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин. Аввало, бу судлар фаолиятининг очкичили, унинг ошқоралиги ва шаффоқлигини кучайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг адолатли, ҳолис бўлиши ҳамда пировардида судларга нисбатан ишончини ошириш орқали халқнинг, фуқароларнинг суддан рози бўлишига эришиш ҳисобланади.

Биринчидан, суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини замон талаблари ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Хусусан, бугунги кунда вилоятларда фуқаролик, иқтисодий, жиноят ишлари бўйича судларнинг тузилмавий жиҳатидан алоҳида-алоҳида фаолият юритишни амалиётда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Судларнинг тарқоқ бўлганлиги фуқаролар ва тадбиркорларнинг сарсон бўлишига, суд ишлари бўйича ягона амалиётнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзига 58 миңдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги сарсончиликларга қарши нисбатан ўз эътирозларини билдирган.

Бундан ташқари, судлар аппаратларидаги ёрдамчи ходимларга ҳақ тўлаш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш учун бюджет маблағларининг ортиқча сарфланшига олиб келмоқда, шунингдек, ўрта бўғин умумий юридикция судларнинг алоҳида фаолият юритиши илгор ҳоржий амалиётга тўла мувофиқ, деб бўлмади.

Масалан, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умуморисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқти-

содий ишлар бўйича ягона суд сифатида фаолият юритади. Шундай экан, бугунги куннинг талаби суд тизимини оптималлаштириш орқали судларнинг фуқаролар учун очкичилигини таъминлашдир.

Қабул қилинган Фармон асосида вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар умуморисдикция судларини ташкил этиш белгиланди. Бундан қўзланган асосий мақсад ягона суд амалиётини шакллантириш ва шу орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг сарсончиликларига чек қўйиш.

Иккинчидан, бугунги кунда маъмурий судлар фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятини қонунлигини таъминлаш, уларнинг қонунчи қарорларини бекор қилиш орқали фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида ва самарали тиклашга қаратилган.

Таҳлилларга кўра, маъмурий судлар томонидан 2019 йилдан шу кунга қадар 2 миңдан ортиқ ҳокимлар қарорлари ҳақуқий эмас, деб топилган. Шунга айтиш лозимки, амалдаги маъмурий судлар

ган бўлиб, оммавий ҳуқуқий низола эса умумий ишларнинг атиги 4 фоизини ташкил этапти.

Шундан келиб чиқиб, Фармон билан 2021 йил 1 январдан Ўзбекистонда маъмурий одил судлов тизими ташкил этилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди, мавжуд маъмурий судлар мақбуллаштирилиб, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида туманларро маъмурий судлар ташкил этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларнинг жиноят судларига олиб берилиши маъмурий судларнинг иш ҳаммини камайитириш орқали давлат органларининг хатти-ҳаракатлари қонунлигининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Учинчидан, жиноят процессуал қонунчилигида мутлақо янги институт, жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқишига тўқнаш қилувчи омилларнинг тезкорлик билан аниқлаш ва бартароф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш жорий этилмоқда. Бунинг



Масалан, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умуморисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқти-

монларнинг тенг иштирокини таъминлаш орқали уларнинг важдарини янада мустақамлаш ҳамда асослаш имкониятини яратди. Дастлабки эшитув институти нафақат англо-саксон (АҚШ, Буюк Британия ва ҳ.к.), балки роман-герман суд тизимида (Германия, Франция ва ҳ.к.), шу жумладан, МДХ мамлакатларида (Россия, Қозғоғистон ва ҳ.к.) ҳам жорий этилган.

Суд қарорларининг сифатини ошириш ҳамда барқарорлигини таъминлашга тўсиқ бўлиб турган ҳолатлардан бири, бу — суд қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқини берувчи назорат инстанциясининг мавжудлигидир. Бу инстанциянинг мавжудлиги БМТнинг махсус маърузачиси Д. Гарсия-Сайан, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг вакиллари ҳамда бошқа экспертлар томонидан танқид остига олинган. Ушбу институт совет тузумидан қолган бўлиб, аксарият МДХ давлатларида бекор қилинган (Қозғоғистон, Озарбайжон, Грузия, бундан ташқари, Германия, АҚШ, Франция, Латвия ва бошқаларда ҳам).

Шунга кўра, Фармон билан суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилади, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқи 2021 йил 1 январдан бекор қилинади. Бу эса судда ҳар бир иш бўйича яқиний тўхтама келиш ва фуқаро ҳамда тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга қаратилган муҳим қадамдир.

«Бир инстанция — бир суд» тамойили татбиқ қилинади. Ҳозирги кунда вилоят судлари учта (биринчи, апелляция ва кассация) инстанцияда ишларни кўриб чиқади. 2019 йилнинг ўзига айтиб бир вилоят судида биринчи ҳамда апелляция (кассация) инстанцияда кўрилган ишларнинг 13 миңга яқини Олий судда ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Эндиликда бир суднинг ўзига биринчи инстанцияда кўрилган ишлар, шу суднинг ўзига кейинги инстанция сифатида кўрилиши амалиётга барҳам берилади ва суд қарорлари устидан шикоят беришининг янги тартиби жорий этилмоқда.

Биринчи, туманларро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш.

Иккинчи, апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъат-

лари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш.

Натижада ортиқча суд босқичларининг бекор қилиниши "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилишига олиб келади.

Суд мустақиллигини таъминлаш чоралари кучайтирилади

Мамлакатимизда судларнинг мустақиллиги, тергов ва прокуратура органлари ҳамда бошқа таъсирлардан ҳолилиги уларнинг ҳокимиятнинг алоҳида бўғини сифатидаги мавқенин оширишга хизмат қилади.

Афсуски, ҳозир суднинг чинакам мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини тўлиқ таъминлашга тўқнаш қилувчи қуйдаги салбий омиллар сақланиб қоляпти.

Биринчидан, қонунчиликда прокурор судда айбондан воз кечган тақдирда судья қандай қарор қабул қилиши кераклиги белгиланмаган.

Иккинчидан, прокурор иштироки шарт бўлмаган фуқаролар ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар кўрилишида танлов асосида қатнашиб, тарафлар ёки судга босим ўтказиши мумкинлиги истисно этилмади.

Учинчидан, прокурор томонидан суддан ишчи ўз ташаббуси билан қақуриб олиниши тарафларнинг тенглиги тамойили бузилишига ва турли суистеъмолликларга олиб келиши мумкин. Шунга биноан, прокурорнинг судда иш кўрилиши жараёнида иштирок этиш тартибини илгор халқаро стандартларга мослаштириш зарурати мавжуд.

Айнан шунинг учун Фармон асосида прокурорнинг қатор ваколатларига ўзгаришлар киритилди. Хусусан:

- давлат айбовчиси айбондан воз кечган тақдирда реабилитация асосларида кўра жиноят ишчи тугатиш;
- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан қақуриб олиб ўрганиш;
- қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан қатнашини истисно қилиш тартиби жорий этилади.

Бул эса жиноят процесси иштирокчилари ваколатларининг ўзаро мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Мустақил суд ҳокимияти ҳақида сўз юритар эканмиз, бу борада судлар ва судьяларнинг моддий-маиший таъминоти муҳим ўрин тутишини қайд этиш лозим. Бу борада ҳам айрим муаммолари ҳолатлар мавжуд.

Масалан, ҳозирги пайтда судьялар ва суд ходимларининг моддий таъминоти бюджетдан ташқари Суд ҳокимияти органлари фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бундай тартиб, судьялар томонидан ишларнинг мустақил ва ҳолис кўриб чиқишига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, халқаро стандартларга жавоб берадими.

Фармон билан суд тизими судьялари ва ходимларининг моддий таъминотини молиялаштиришни тўлиқ Давлат бюджетига ўтказиш тартиби жорий этилиши ҳамда уларнинг иш ҳақлари миқдори оширилиши назарда тутилган.

- ✓ Ўзбекистонда маъмурий одил судлов тизими ташкил этилади;
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умуморисдикция судлари фаолияти йўлга қўйилади;
- ✓ суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилади. Яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқи 2021 йил 1 январдан бекор қилинади;
- ✓ "Бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилади;
- ✓ Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларини ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилади;
- ✓ Жиноят процессида дастлабки эшитув институти татбиқ қилинади;
- ✓ прокурорларнинг айрим ваколатлари чиқариб ташланади;
- ✓ судларнинг ахборот-коммуникация фаолияти такомиллаштирилади, уларнинг моддий таъминланганлик даражаси ортади.

Натижада Ўзбекистонда одил судловни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш ва судлар фаолиятини халқимизни рози қилиш мақсадларига эришилади.

фаолиятда қатор ечимини қўлга келтирган муаммолар мавжуд. Масалан, туман миқёсида маъмурий судлар, шу ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил фаолият юритишида қийинчиликлар мавжуд.

Оммавий-ҳуқуқий низоларини кўришга ихтисослашган маъмурий судларга маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ваколати ҳам юклатилган. Бу ишлар табиғатида кўра жиноят ишларига яқин бўлиб, иш ҳаммининг асосий қисмини айнан шундай ишлар ташкил қилаётганлиги маъмурий судларни ташкил этишдан қўзланган мақсадга эришишга салбий таъсир қўрсамоқда.

Эътибор беринг, жорий йилнинг 6 ойида 183 миң, 2019 йилда 412 миң маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўри-

зарурати нимада, деган саволга жавоб беришдан олдин рақамларга эътибор бериш ўринли.

Мисол учун, 2019 йилда 469 та иш судда бир неча ой кўрилгандан кейин дастлабки терговдаги қамчиликларни бартароф этиш учун прокурорга қайтарилган. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг сарсон бўлиши, мутлақатнинг асосиз равишда қўзилиши натижада фуқароларнинг судларга нисбатан ишонсизлиги ортишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят судларида дастлабки эшитув босқичининг жорий этиш дастлабки тергов органлари томонидан йўл қўйилган қамчиликларни аниқлаш ва бартароф этиш, ишчи суд жараёнига қабул қилишда то-

«Туронбанк»:

ТРАНСФОРМАЦИЯ — РАҚОБАТБАРДОШ МОЛИЯВИЙ МУҲИТ ВА ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ГАРОВИ

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда банк-молия сектори изчил ислоҳ қилиниб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илгор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага ҳоржий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги янгиланган қонунлар қабул қилинди.

Молия муассасаларида

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлилий банк секторига давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваққалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий восита-чиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ҳамда жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўқнаш қилмаётган қатор тизимли муаммолар бор эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда қабул қилинган "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ушбу масалаларни ечишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим. Давлат раҳбари томонидан банк

тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йилгилиш ўтказилгани ҳам беҳиз эмас.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда жами банк активларининг 15 фоизи хусусий банкларга тегишли бўлиб, 85 фоизи давлатнинг бевосита ёки билвосита улуши бўлган банкларга тегишли. Пандемия шароитида жаҳон иқтисодиёти инқирозга юз тутган бир пайтда ҳоржий инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш қийинлашиб бормоқда. Дунё мамлакатларида инвестиция жалб қилишда тижорат банклари муҳим ўрин тутади. Ҳоржий инвесторлар сармоя киритиш учун халқаро тоифадаги банкларнинг кафолатини тақдим этишни сўрайди. Шу сабабли банк тизимида давлат улушини нуфузли ҳоржий банк ҳолдингларига сотиш орқали камайитириш мақсада мувофиқ бўлар эди.

Бу йўл орқали иккита мақсадга эришилади. Биринчидан, давлат улуши камайиши орқали хусусий банклар ўртасида рақобат ривожланиб, хизматлар сифати яхшиланади, кредит фои-

ставкалари тушади. Иккинчидан, давлат банкларининг ҳукумат кафолати остида олаётган қарзлари камайиб, умумий ташқи қарзга иқобий таъсир қўрсамоқда.

Банклардаги давлат улушини хусусийлаштириш уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда қадрлар салоҳиятини ошириш орқали амалга оширилади. Бунда асосий эътибор банк қузелув кенгашиларига банк соҳасида халқаро тажрибали ага бўлган мустақил аъзоларни киритган ҳолда мижозларга кенг кўламли хизматларни (инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш) тақдир этиш, янги концепция ва технологияларни жорий қилиш (финтех, маркетинг, рақамли банк) ҳамда қадрлар мақолатини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қаратилди.

Банк тизимида замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омилли таъсирини камайитириш каби вазифаларни "Турон-



банк" тўлақонли бажаришга бел боғлаб, трансформация жараёнини бошлади. Хусусан, Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорликда банк фаолияти тўлиқ диагностикадан ўтказилди ҳамда мақолати консултантлар томонидан таҳлил қилинди. Унда корпоратив бошқарув, HR менежмент, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари инфраструктурасини янгилаш, банк рискларини бошқариш ҳамда бизнес-жараёнлар билан боғлиқ бўлган бир қатор қамчиликлар аниқланди. Энг аҳамиятлиси, ушбу жараёнларга банк корпоратив бошқаруви, замонавий ахборот технологиялари ҳамда инновация хизмат турларини жорий қилиш бўйича халқаро экспертлар жалб этилди. Жумладан, замонавий корпоратив бошқарув тамойилларига асосан Осие тараққийот банкининг банк-молия йўналиши бўйича халқаро эксперти Нихомиддин Муродов банк кенгашига мустақил аъзо сифатида киритилди. Трансформация жараёнидаги кириб борад экан, "Туронбанк" хизматлар кўрсатиш камровини ҳам сезиларли оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, аҳоли учун 54 та банк хиз-

2020 йил июнь ойидан бошлаб жисмоний шахсларга чакана кредитларни ажратиш бўйича "Андеррайтинг" тизими жорий қилинди ва 3,0 миңга яқин жисмоний шахсларга 53,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, бугунги кунда юридик шахсларга ҳам кредитлар "Андеррайтинг" тизими орқали ажратилиши юзасидан ишлар олиб бориш ҳам илгор ҳолатга эришилди. Қолаверса, айни вақтда бизнес жараёнининг бошқарув тизимини яратиш борасида замонавий илгор технологияларга асосланган Буюк Британиянинг "Coliv Software Solutions" компанияси билан амалий ишлар олиб боришмоқда. Яқин кунларда эса "Uzcard" билан ҳамкорликда Россиянинг "Мир" қобейднинг карталарини эмиссия қилиш ҳам режалаштирилган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мижозларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда банк махсуслотларини етказиш жараёнини ўз ичига қамраб олган "CRM" ҳамда ҳисобовларни автоматик равишда шакллантириш "Data Base" тизимлари ҳам фаолиятга татбиқ этилиши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этиш банк тизимида комплекс ўзгаришларни амалга оширишда қўл келади. Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро рейтингларда Ўзбекистон банк тизимининг мавқенин оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,

Тошкент давлат юридик университети ректори, юридик фанлар доктори.

«Ўзгарттехноатхолдинг» АЖ ва «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ меҳнат жамоалари қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳаси меҳнат фахрийси

Ирик МУСИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таззия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий кафедраси профессори, иқтисодий фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Эргаш АҚРАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таззия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жомоаси Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш кафедраси доценти Нигора Мухомедова отаси

Сайдухонро ФАЙЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чукур таззия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жомоаси Анатомия ва патология анатомия кафедраси доценти

Акмал АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таззия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «TRANSKASB» корхоналар уюшмаси жомоаси уюшма асосчиси, соҳа фахрийси

Ақбар ДАДАХУҶАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таззия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ш. Фафоров. Муоҳаррир — С. Исломов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.58 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6